**2021 йил – ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**

2021-yil 22-aprel, payshanba | e-mail: info@qishloqhayoti.uz | @Qishloqhayoti_gazetasi

# QISHLOQ HAYOTI

№ 18 (9129)-son

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ, УЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМДА БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни доимий иш билан банд қилиш, қўшимча даромад олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қуйидаги тартиб **жорий қилинсин**, унга мувофиқ:

а) **2021 йил 1 майдан бошлаб:**

2023 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган **ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади**. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар **олти ой** давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан **еттинчи ойдан** бошлаб қайтарилади;

"Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда "Ёшлар дафтари" жамғармалари** ҳисобидан **субсидия ажратилади**;

"Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига **давлат мулкини ижарага олишда ижара тўловларидан 1-иловага мувофиқ имтиёзлар тақдим этилади**;

б) **2021 йил 1 июндан бошлаб:**

"Ёшлар дафтари"га киритилган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бино ва иншоотларни ижарага олган ёш тадбиркорларга **бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдори **"Ёшлар дафтари" жамғармалари** ҳисобидан компенсация қилинади;

профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратилади**.

2. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **икки ҳафта** муддатда ўзи, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандлари ёки эри (хотини) профессионал таълим муассасаларида таълим олиши учун йўналтириладиган солиқ тўловчининг иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммасини жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғидан озод қилишни** назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилансинки, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида:

а) **2021 йил 1 июндан** бошлаб:

АТ "Халқ банки", АТ "Алоқа банк" ва "Микрокредитбанк" АТБ томонидан **"Бир миллион дастурчи"** лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга компьютер (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харидлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда** истеъмол кредитлари ажратилади. Бунда, истеъмол кредитлари **бўйича фоиз тўловлари** Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилинади;

"Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларнинг **хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари** бўйича нодавлат таълим ташкилотларида **ўқиш харажатларининг 50 фоизи,** бироқ умумий ҳисобда базавий ҳисоблаш миқдорининг **5 бараваригача** бўлган миқдори ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган **имтиҳонларни топшириш харажатлари** Ёшлар ишлари агентлигига **Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан** компенсация қилинади;

"Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларнинг **ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдоригача** ва **сафарбарлик чақируви резерви хизмати бадали** Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар **ҳисобидан қопланади**;

хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига **олти ойдан** ошмаган "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни **қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг** базавий ҳисоблаш миқдорининг **4 бараваригача** бўлган қисми мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилинади;

**(Давоми 2-саҳифада)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ҚАРОРИ**

## ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бизнес юритиш шарт-шароитларни янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислоҳотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш мақсадида:

1. **2021 йил 1 майдан бошлаб** тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги қўшимча чоралари **жорий этилсин**:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

Марказий банк асосий ставкасининг **1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги** фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун **компенсация**, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, **тақдим этилади**;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг **75 фоизигача**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **150** бараваридан ортиқ бўлмаган тижорат банклари кредитлари бўйича **кафиллик берилади**;

тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафилликлар **кредит шартномалари сонидан қатъи назар** берилади. Бунда, компенсациялар тақдим этилаётган кредитларнинг умумий суммаси **10 млрд сўмдан**, кафилликларнинг умумий суммаси эса **8 млрд сўмдан**, бироқ умумий кредит суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

б) Экспортни рағбатлантириш агентлиги экспорт қилувчилар томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун **револьвер кредитларни молиялаштиришга** тижорат банкларига **молиявий ресурслар тақдим этади**. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ **3 миллион АҚШ доллари** эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик **4 фоизли ставка** (шундан, 2 фоизи банк маржаси) билан ажратилади.

2. Якка тартибдаги тадбиркорлар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллик ва компенсацияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг **70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи устувор равишда ўзини ўзи банд қилишга** (томорқадан унумли фойдаланиш, уй шароитида ҳунармандчиликни ва касаначиликни ривожлантириш) йўналтирилсин. Бунда, ажратиладиган маблағларнинг камида **15 фоизи жойларда, айниқса, шаҳарларда хизмат кўрсатиш** соҳасида кичик лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилади.

4. Қуйидагиларга:

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда уларнинг **бошланғич нархини 50 фоизгача камайтириш** ваколати;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда бошланғич нархга чегирма белгиланадиган олис ва чекка ҳудудлар чегараларини белгилаш ваколати берилсин.

5. 2021 йил 1 июндан бошлаб инфратузилмага яқин жойларда, шу жумладан, республика аҳамиятидаги йўлларга туташ бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерларини саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун лойиҳа асосида инвесторларга "E-IJRO AUKSION" савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали ажратишга рухсат берилсин.

ДАВОМИ 3-САҲИФАДА ▸▸

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ҚАРОРИ**

## ЁШЛАР САНОАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИККА ОИД ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап-лойиҳалари ва амалий тадқиқотлари натижалари рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг **1-иловага** мувофиқ рўйхатда кўрсатилган ҳудудларда **ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини** (кейинги ўринларда – Ёшлар саноат зоналари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ташкил этилаётган Ёшлар саноат зоналарининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва юритишлари учун Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш майдонлари тақдим этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш;

ёшларга уларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалари, ташаббуслари ва ғоялари амалга оширилишида кўмаклашиш ва қулай шарт-шароитлар яратиш;

"стартаплар" ташкил этиш мақсадида бизнес-инкубатор вазифаларини амалга ошириш, ёш тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

ёшларга ўз инновацион ишланмаларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш ва натижаларини тижоратлаштириш, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш борасида амалий ёрдам кўрсатиш;

банд бўлмаган, шу жумладан, "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда:

ДАВОМИ 3-САҲИФАДА ▸▸



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

## Гапни гапир уққанга

### ЁХУД СУВ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР УЧУН КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ НЕГА ПАЙСАЛГА СОЛИНАЯПТИ?

Фарғона вилоятида жорий йилда 24 минг 378 гектар майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш топшириғи берилган бўлиб, бу бўйича айрим туманларда банк муассасалари, кластерлар томонидан сусткашликка йўл қўйилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технолгияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 25 га яқин пудрат ташкилотлари жалб этилди. Улар шартнома асосида қурилиш ишларини фермер хўжаликларида, кластер ерларида олиб бормоқдалар. Жорий йилнинг 18 апрель ҳолатига кўра "Агробанк"нинг ҳудудий филиалларига жами 619 та (имтиёзли кредит учун 424 та, кластерлар таркибида 195 та) фермер хўжаликларига кредит ажратилиши масаласида ҳужжатлар тақдим этилган. Пудрат ташкилотлари томонидан 750 та фермер хўжаликлари ва кластерларнинг 16211 гектар майдонида 310 миллиард 37 миллион сўм миқдорида қурилиш ишлари бошланган.

Энди бошқа муҳим бир фактга эътиборни қаратайлик! Жорий йилда айнан шу мақсадлар учун "Агробанк"нинг ҳудудий филиаллари томонидан 1166 та фермер хўжалиги ва кластерларга 487 миллиард 560 миллион сўм кредит маблағи ажратилиши керак эди. Бироқ банк раҳбарларининг бу ишга бепарво қарашлари оқибатида 246 та фермер хўжаликларининг 4185 гектар майдонида сувни тежайдиган технологияларни ўрнатиш учун 96 миллиард 487 миллион сўм ажратилган, холос. Қолган кредит маблағларини ўз вақтида олиб, ишлатмаса томчилатиб суғориш технолгиясини далаларга ўрнатиш асоссиз кечикаверади. Бунинг орқасидан сув тизими раҳбарлари, мутахассислари, туманлардаги масъул раҳбарлар турли томонларга арз қилиб чопиши, вилоят ҳокимиятига чиқиши банк муассасалари раҳбарларининг бир бора тезкорлик билан масалани ҳал этишига тенг бўляпти. Шунинг учун айтар эканда: гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга, деб. Мақол маъноси чуқурроқ ўйлаб қаралса, масалани ҳал қилиш осонлашади. Бу берилган кредит маблағи тўланмай қолмайди, қолган ҳам эмас.

ДАВОМИ 3-САҲИФАДА ▸▸

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

## Кластер Сенат эътиборида

### ҳуқуқий кафолат яратиладими?

"Агросаноат кластерлари мақоми ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги низом лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда. Маълумот учун, айни пайтгача кластерлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди.

Жиззахдаги "Silverleafe" компания мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан "Кластерлар, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида ана шу мавзуда сўз борди.

Унда Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Сенат қўмиталарининг раислари, сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, вилоятда фаолият юритаётган кластер корхоналарининг раҳбарлари, фермерлар ва ОАВ ходимлари қатнашди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришга, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасига кластер тизимининг татбиқ этилиши кейинги уч-тўрт йилдаги энг муҳим ўзгаришлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бунга бугунги тадбир ўтказилган Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида АҚШнинг "Silverleafe" компанияси иштирокида ташкил этилган кластер фаолияти ҳам ёрқин мисол бўла олади. Ушбу кластер фаолиятидаги энг муҳим жиҳат, даромад олишдан аввал катта харажат қилинаётгани, яъни, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий техника ва технологияларни қўллаш, илм-фан ютуқларини татбиқ этишга, ижтимоий соҳага маблағ сарфланаётганидир. Бу ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. Кластер таркибидаги фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги 21 центнердан 30 центнерга кўтарилди. Кластер таркибида 4 минг 455 янги ишчи ўрни яратилди.



Давра суҳбатида мамлакатимизда кластерлар фаолиятини ривожлантиришда устувор йўналишлар, мавжуд муаммолар, кластерлаш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди. Иштирокчилар ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, замонавий, илғор технологияларни жорий қилишда халқаро тажрибани ўрганиб, татбиқ этиш, фермерлар билан шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар, инвестиция киритиш, иш ўринлари яратиш, экспорт, маҳсулотни чуқур қайта ишлаш жараёнларини қамраб олиш ва бошқа муносабатларни тартибга солувчи адолатли ва қатъий талаблар белгилаш лозимлигини қайд этишди.

– Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усули сифатида эътироф этилаётган кластерлар мамлакатимизда кенг жорий этилаётир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев. – Қўмитамиз томонидан тузилган ишчи гуруҳ кластер тизимида олиб борган ўрганишларда бу янги усулнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш зарурияти юзага келаётгани маълум бўлди. Давра суҳбатида ҳам бевосита ушбу соҳага алоқадор бўлганлар билан кластер тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича қимматли таклифлар муҳокама этилди.

**Турғун ЎРОҚБОЕВ,**
**журналист.**

Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ, УЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМДА БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

б) **2021 йил 1 майдан** бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг **60 фоизига** улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг **50 фоизи** Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади. Бунда:

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида – базавий ҳисоблаш миқдорининг **1 баравари**, қолган ҳудудларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг **0,5 бараваридан** ошмаслиги лозим;

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми биринчи навбатда эҳтиёжманд оила фарзандларига, ўрнак кўрсатган ва фаол талабалар учун қоплаб берилади;

олий таълим муассасалари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган бошқа талабаларга ҳам ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши мумкин.

4. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норкулов) билан биргаликда:

тиббиёт муассасаларидаги самарасиз ҳамда кўп йиллардан буён фойдаланилмаётган лавозимлар ўрнига ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бўлган "тиббиёт бригадалари"ни ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ходимлар фаолиятини кенгайтириш учун **20 мингта қўшимча штат** бирликларини ажратсин;

**бир ой** муддатда тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. АТ "Халқ банки"нинг ҳудудларда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни бизнесга тайёрлаш, маслаҳат бериш ва бандлигини таъминлаш мақсадида **"Юз минг тадбиркор хотин-қизлар"** лойиҳасини амалга ошириш ҳамда лойиҳа доирасида қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, ихтисослашуви ва бошқа хусусиятларини инобатга олиб, қиймати 33 миллион сўмгача бўлган **тайёр бизнес-режалар банкини** яратиш;

ўттиз ёшгача бўлган хотин-қизларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, мос йўналишлар бўйича (ошпазлик, қандолатчилик, сартарошлик ва бошқалар) малакали мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ва ўқув тренингларни ташкил этиш.

6. Ёшлар ишлари агентлигида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилсин ва унинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ихтиёрида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлансин.

7. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) 2021 йилда:

мазкур Фармонда ёшлар бандлигига кўмаклашиш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан қўшимча равишда **100 миллиард сўм**;

олий таълим муассасалари талабалари турар жой ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг ҳисоб-китобларига мувофиқ Давлат бюджетидан қўшимча равишда маблағлар ажратсин ҳамда келгуси йил бюджет параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин.

8. Белгилансинки, **2021 йил 1 майдан** бошлаб:

деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларни сектор, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан **патронажга олиш тизими** жорий қилинади. Бунда, сектор, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан **"устоз-шогирд" тамойили** асосида ёшларга ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш, ерлар ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган маҳсулотни реализация қилиш ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилади;

"Ёшлар дафтари"га киритилган деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларга "Ёшлар дафтари", "Темир дафтар" ҳамда "Аёллар дафтари" жамғармалари ҳисобидан уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари миқдоригача** субсидия ажратилади.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Ғаниев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хаитов) **бир ҳафта муддатда** уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун субсидия олишга эҳтиёжи бор ёшларнинг рўйхатини шакллантирсин ва уларга субсидия ажратиш чораларини кўрсин.

9. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М.Садиков) билан биргаликда **икки ой муддатда** Давлат бюджетидан тўланадиган субсидиялар, компенсациялар ва бошқа имтиёзларни ажратишнинг ошкоралигини таъминлаш, мазкур жараёнда бюрократия ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш, фуқароларга юзага келган муаммолар тўғрисида бевосита масъул мансабдор шахсларга хабар бериш имкониятини яратиш мақсадида **махсус электрон платформани** ишлаб чиқсин ҳамда унинг лозим даражада ва узлуксиз ишлаши учун зарур чораларни кўрсин.

10. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) **2021 йил 1 июндан** бошлаб ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқиши ва билимларини оширишга оид **сифатли кўрсатув ва китоблар** яратишни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан рейтинги юқори деб баҳоланган республика миқёсидаги 3 та телеканалдан томошабинлар учун қулай бўлган пайтни инобатга олиб, **эфир вақтини сотиб олиш**;

бизнес юритиш ва унда муваффақиятга эришиш йўллари бўйича **сифатли видеомаҳсулотларнинг** шартнома асосида тайёрланишини таъминлаш ҳамда уларни сотиб олинган **эфир вақтида намойиш этиш;**

ёшларга амалий қўлланма сифатида фойдаланиш учун бизнес юритиш ва унда муваффақиятга эришиш йўллари, тадбиркорлик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиш йўлидаги ютуқ ва хавф-хатарлар ҳақида **оммабоп китобларни нашр этишни** ташкил қилсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган тадбирлар Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) **"Ўзбекистон учун 100 та ғоя"** лойиҳасини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда лойиҳа доирасида Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳисобидан "Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта ташаббус лойиҳа офиси" нодавлат нотижорат ташкилотига – биринчи босқичда 1 миллиард сўм маблағларниикки ҳафта муддатда, кейинги босқичларда лойиҳанинг смета ҳужжатларига кўра, бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб молиялаштириш чораларини кўрсин.

12. **2021 йил 1 июндан** бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат олий таълим муассасаларига **10 тагача маҳалла фуқаролар йиғинлари бириктирилади;**

б) давлат олий таълим муассасалари ректорлари томонидан:

бириктирилган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшайдиган уюшмаган ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, шу жумладан, уларни хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, спорт, маданият ва китобхонлик тўгаракларига жалб қилиш чоралари кўрилади;

талабалар ётоқхоналарида, маданият марказларида ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшлар билан мунтазам равишда учрашувлар ташкил этиш, очиқ давра суҳбатлари ва маданий тадбирлар ўтказиш амалиёти жорий қилинади.

13. Қуйидагилар:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Воитов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М.Бобоев) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** республиканинг барча туман (шаҳар)ларида **Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини** ташкил қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини;

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) икки ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқиб, 2021 йилда Давлат бюджетининг қўшимча харажатларини ҳамда даромад йўқотишларини қоплаш мақсадида мос миқдорда Давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш ва қўшимча даромадлар манбалари бўйича аниқ таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдухакимов) ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларида "Баркамол авлод" **болалар мактабларининг тармоқ филиалларини ташкил этиш**, марказларда замонавий тўгаракларни очиш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда умумий ўрта таълим муассасаларининг спорт заллари ва майдонларида тўгараклар очиш;

ёзги таътил даврида ёшлар ўртасида маҳаллалар, секторлар ва туманлар миқёсида спорт ҳамда ҳарбий ватанпарварлик мусобақаларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган тадбирлар маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

15. 2021 йилнинг якунига қадар Қашқадарё вилоятида эксперимент тариқасида маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳамда мусиқа фани ўқитувчиларига қуйидагиларни назарда тутган ҳолда **уй шароитида ёшлар учун мусиқа тўгаракларини ташкил этишга** рухсат берилсин:

ушбу тўгаракларни ташкил этган шахслар маданият марказлари томонидан нота, мусиқага оид адабиётлар билан таъминланади ҳамда уларга ташкилий ва услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатилади;

тўгаракларда таълим олганлик учун тўлов маҳаллий бюджет маблағлари ва ўқувчилар томонидан тўланади.

Бунда, тўгараклар ташкил этган шахсларнинг иш ҳақи тўловлари маданият марказлари учун белгиланган миқдорлардаги бадал тўловлари ва етмаган қисмида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан тўлаб берилади.

Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (З.Т.Мирзаев) билан биргаликда ушбу тажрибанинг Қашқадарё вилоятида амалга оширилишини ташкил этсин ҳамда унинг самарадорлигидан келиб чиқиб республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этиш бўйича 2021 йил 31 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов) Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) билан биргаликда **бир ой** муддатда Тошкент шаҳрининг жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлган туман ва маҳаллаларида ёшлар билан ишлашнинг "намунали тажриба"сини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин. Бунда, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

тарбияси оғир ёшларни аниқлаш, улар билан яқиндан ишлаш, ижтимоий мослашувига кўмаклашиш, ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил этиш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила фарзандлари, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга мойиллиги бўлган ва профилактик ҳисобда турган ёшлар билан якка тартибда ишлаш;

ёшлар билан индивидуал ишлаш, ташаббускор ва ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этувчи ёш кадрлар захирасини шакллантириш.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) "намунали тажриба" натижаларидан келиб чиқиб унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг қолган барча туманларида татбиқ этилишини ташкил этсин.

17. **Ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ва бандлигига кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

18. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З.Саъдуллаев, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б.Хусанов ҳамда молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида **2021 йилнинг 1 сентябрь ва 31 декабрь кунига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 20 апрель

Янгича ёндашувлар

# Ҳар бир мижоз ва унинг манфаатлари устувор

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ИСТЕЪМОЛЧИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ, ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК ВА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. БУ ЖАРАЁНДА ТАННАРХНИ ПАСАЙТИРИШ ОРҚАЛИ ДАРОМАДЛАРНИ ОШИРИШ, ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БУГУНГИ БОСҚИЧИДА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ИШТИРОКИ УЧУН КЕНГРОҚ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ, ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ АСОСИЙ ЎРИН ТУТАДИ.



Бу борадаги ишларда Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳуқуқий асос бўлмоқда.

"Ўзагросуғурта" АЖда ҳам мазкур ҳужжатда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, фаолият самарадорлигини таъминлаш, янги инновацияларни жорий этиш, нафақат маҳаллий, балки халқаро суғурта бозорида ҳам тенг рақобатга кириша олиш ҳамда давлат кафолатисиз хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида таркибий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон суғурта бозорида барқарор имижни шакллантириш ва дунёнинг ривожланган суғурта ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти "Делойт" (Deloitte) ва "Грант Торнтон" (Grant Thornton) каби жаҳондаги етакчи аудиторлик компаниялари томонидан халқаро аудит стандартлари асосида текширувдан ўтказилди ва ижобий хулосалар олинди.

Тасарруфимизда бўлган барча мол-мулклар "Веритас" баҳолаш ташкилоти томонидан халқаро талабларга мувофиқ баҳоланди. Содда қилиб айтганда, молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларга мувофиқ шакллантирилган кўрсаткичларда акс эттирилди.

Таъкидлаш жоизки, кетма-кет иккинчи йил "Фитч" (Fitch) халқаро рейтинг агентлигининг "BB–" барқарор рейтингига эга бўлдик. Бу хорижий инвесторлар ва маҳаллий аҳолининг суғурта хизматига ишончини янада мустаҳкамлаш учун муҳим индикатордир.

Суғурта хизматлари сифатини ошириш ва янги лойиҳаларни жорий этишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, электрон полислар сотуви йўлга қўйилди. Бунда амалдаги замонавий тўлов йўлларидан фойдаланган ҳолда, тизимда ишлаб чиқилган дастурий таъминот орқали республиканинг исталган нуқтасидан туриб, исталган вақтда оммабоп суғурта турлари бўйича ана шундай полисларни харид қилиш имконияти яратилди. Бу, ўз навбатида, компаниянинг харажатларини оптималлаштиришга хизмат қилмоқда.

Компаниянинг қайта суғурталаш тизимини такомиллаштириш ҳам устувор аҳамият берилаётган йўналишлардан бири. Унинг портфелини диверсификациялашда Lloyd's суғурта бозори (Лондон), АҚШ, Россия компаниялари билан ҳамкорликда облигатор қайта суғурта дастурларини кўриб чиқиш ва мақбулларини танлаб олиш устида иш олиб бориляпти.

Молиячилар тили билан айтганда, операцион самарадорликни ошириш мақсадида айни пайтда ташкилотнинг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилмоқда. Яъни, фаолиятга рақамлаштириш кенг жорий этиляпти. Яна бир муҳим жиҳат, суғурта бозорида муносиб ўрин эгаллаш, молиявий барқарорлик ҳамда рақобатбордошликни мустаҳкамлаш мақсадида замонавий суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳар қандай соҳа ривожи замонавий корпоратив бошқарув тизимининг жорий этилишига бевосита боғлиқ. Шу боис бошқарув аъзолари лавозимларига жаҳон суғурта бозорида етарли тажрибага эга бўлган чет эллик мутахассисларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, жамият кузатув кенгаши аъзолигига хорижий мутахассисларни жалб қилиш масаласи ҳам кун тартибига киритилган.

Бугун молия бозори бошқарув ва инвестиция фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис жамият инвестиция портфелидаги қимматли қоғозлардан (акциялардан) олинадиган даромадларни ошириш мақсадида уларни мазкур бозорнинг профессионал иштирокчиси бўлган корхонанинг ишончли бошқарувига топшириш масаласини кўриб чиқмоқда.

Аниқ мақсад ва режа ривожланишнинг муҳим шарти экани барчага аён. Шу маънода, ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда тизимда ребрендингни амалга ошириш ва суғурта хизматларини замонавийлаштириш ўта муҳим вазифа. Айни чоғда бу борада истеъмолчилар талабларини ўсиши ҳамда жамиятнинг суғурта бозоридаги обрўсини ошириш мақсадида мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш ва аниқланган муаммолар асосида молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш ҳамда 2021-2023 йиллар учун ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди. Бу жараёнда энг аввало, "ҳар бир мижоз муҳим, унинг манфаатлари устувор"тамойилига урғу берилмоқда.

Бугун янги Ўзбекистонинг янги қиёфаси шаклланиб бормоқда. Демакки, суғурта бозори иштирокчиларининг ҳам ислоҳотлар шиддатига мос равишда ривожланиши талаб этилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, "Ўзагросуғурта" АЖ мамлакатимиз ва халқаро суғурта бозорларидаги ишончли ва барқарор имижини шакллантириш мақсадида ребрендинг жараёнлари бошлаб юборилди. Янги имижни шакллантириш босқичида суғурта бозорида юқори салоҳиятга эга ва барқарор суғурта компания сифатида намоён бўлишига асосий эътибор қаратилган. Умуман олганда самарадорликни таъминлаш мақсадида мижозлар билан доимий алоқа механизми йўлга қўйилмоқда.

Суғурта бозорида замонавий ва қулай хизмат турларини тақдим этмасдан туриб, самарага эришиш ерга дон сочмай ҳосил кутиш билан баробар. Ҳозирда қатор янги суғурта турлари устида иш олиб борилмоқда. "Раҳбар ходимлар ва ижро органлари жавобгарлигини суғурталаш", "Positive - ходим эгаллаб турган ишини йўқотишидан суғурта қилиш" каби суғурта турлари шулар жумласидан.

Компания Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда "UzagrosOnline" ягона электрон ахборот тизимида "Миграция" модулини яратиш" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, "UzagrosOnline" ягона электрон ахборот тизими ҳамда labormigration.uz дастурий мажмуалари ўзаро интеграция қилинди. Бу ўз навбатида хорижга ишлаш учун кетаётган юртдошларимизни ортиқча оввoрагарчилик ва расмиятчиликларсиз суғурталаш имконини беради.

Тизимда трансформация жараёнларининг амалга оширилиши молия бозорида суғурта хизматлари сифатини янада яхшилаш билан бир қаторда, соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улушини оширишга, пировардида иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим омиллардан бирига айлантиради.

**Сарвар ОТАМУРАТОВ,**
*"Ўзагросуғурта" АЖ бошқаруви раиси.*

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади

Божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЁШЛАР САНОАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИККА ОИД ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

2-иловада келтирилган рўйхатдаги **77 та** Ёшлар саноат зоналари – **2021 йил 1 сентябргача**;

қолган барча Ёшлар саноат зоналари – **2022 йил 1 январгача** тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

4. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашнинг манзилли дастури (кейинги ўринларда – Манзилли дастур) **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шарти билан ажратиладиган **100 миллион АҚШ доллари**;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва хусусий молия компанияларининг қарзлари;

Жамғарманинг бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Қуйидагилар Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик, замонавий қурилиш материаллари, ҳунармандчилик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

маҳаллий хомашё ва материаллар негизида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш.

7. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Жамғармага 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағнинг 50 фоизи икки ой муддатда бошланғич капитални шакллантириш учун, қолган 50 фоизи олти ой муддатда ажратилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф киритсин.

9. Белгилансинки:

а) **Манзилли дастурда назарда тутилган ишлар** 2021-2023 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида **иқтисод қилинган маблағлар**, шунингдек, **маҳаллий бюджет ва таъминотчи ташкилотларнинг ўз маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади;

б) Ёшлар саноат зоналари **муҳандислик-техник коммуникациялари мавжуд бўлган ёки ўтказиш осон бўлган**, фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонларида **ташкил этилади**;

в) Ёшлар саноат зоналарига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳалари туман (шаҳар) ҳокимлари раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан танлаб олинади;

г) Ёшлар саноат зоналари ҳудудида майдони **1000 м²** гача бўлган ер участкалари, истисно тариқасида, электрон аукцион савдоси ўтказмасдан, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарори билан ажратилади. Бунда, бўш бино ва иншоотлар (давлат кўчмас мулк объектлари) шартнома асосида ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун белгиланадиган ижара тўловининг энг кам миқдоридан ошмаган ставкаларида ижарага берилади;

д) патент асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни таъминловчи стартап-инвестиция лойиҳалари, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари, шунингдек, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда яратиладиган янги иш ўринларининг камида 70 фоизи ёшлар учун мўлжалланган, шу жумладан, бандлиги таъминланмаган "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш назарда тутилган инвестиция лойиҳалари Ёшлар саноат зоналари ҳудудида жойлаштирилишида **устуворликка эга** бўлади;

е) Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида:

молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла **100 минг АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган миқдорда **7 йилгача** муддат билан тақдим этилади;

қиймати **100 минг АҚШ доллари** эквивалентигача бўлган инвестиция лойиҳалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ундан ошган қисми эса ушбу қарорда назарда тутилган имтиёзларсиз, тижорат банклари орқали умумий тартибда тақдим этилади;

тижорат банкларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий ресурслар Жамғарманинг мавжуд маблағлари доирасида, миллий валютадаги кредитлар бўйича йиллик **10 фоиз**, хорижий валютадаги кредитлар бўйича йиллик **2 фоиз** ставкалари билан тақдим этилади;

тижорат банклари миллий валютадаги кредитларни ўз маржаси миқдорини **4 фоиздан** оширмасдан йиллик **14 фоиз**, хорижий валютадаги кредитларни – ўз маржаси миқдорини **1 фоиздан** оширмасдан йиллик фоиз ставкасини **3 фоиз** миқдорида белгилаган ҳолда ажратади;

тижорат банклари ажратилган молиявий ресурсларнинг мақсадли фойдаланилиши ва тўлиқ қайтарилишини доимий мониторинг қилиб боради;

ж) Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун бинолар қуриш мақсадларига молиявий ресурслар Жамғарманинг молиявий кўрсаткичлари ва унинг ресурс базасидан келиб чиққан ҳолда берилади, шу жумладан:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига ёш тадбиркорлик субъектлари учун бино қуришга бериладиган молиявий ресурслар миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкаси миқдорида белгиланган ҳолда тақдим қилинади;

тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорлик субъектларига биноларни лизинг асосида бериш миллий валютада йиллик **14 фоиз** ставкасини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, ёш тадбиркорлик субъекти бошланғич тўлов сифатида лизингга бериладиган бино қийматининг **10 фоизини** ташкил қилувчи қисмини тўлайди.

10. Белгилаб қўйилсинки, **2023 йил 31 декабрга қадар** Ёшлар саноат зоналари ҳудудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг таъминоти билан боғлиқ қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг **50 фоизигача миқдорида**, бироқ 500 млн сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар беради;

б) устав фонди (капитали)да давлат улуши **50 фоиз** ва ундан зиёд бўлган суғурта ташкилотлари тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг **50 фоизигача миқдорида**, бироқ **500 млн** сўмдан ошмаган миқдорда, йиллик **2 фоиз** ставкасида суғурта полисини тақдим этади.

Ушбу бандда назарда тутилган тартиб солиқлар ҳамда олдинги тузилган кредит шартномалари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги мавжуд бўлган ёш тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилмайди.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

12. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, амалга оширишни молиялаштиришни ташкиллаштириш ва ер майдонларини ажратиш жараёнларининг автоматлаштирилишини таъминлаш мақсадида тегишли веб-сайт ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин.

13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ёшлар саноат зоналарини ташкил қилиш, ривожлантириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин, унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига жойларда Ёшлар саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

14. Қуйидагилар:

Бош вазирнинг ўринбосари С.У.Умурзаковга – вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Ёшлар саноат зоналари ривожланиши ва самарали фаолият юритиши, шунингдек, уларнинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарларига – ишчи гуруҳлари томонидан Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестиция буюртманомаларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши, ёш тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ва бўш бинолар ўз вақтида ажратилишини таъминлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини Ёшлар саноат зоналари ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорларни ўз вақтида қабул қилиш;

энергетика вазири А.С.Султановга, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С.Хидоятовга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М.Садиковга, транспорт вазири И.Р.Махкамовга – Ёшлар саноат зоналари ҳудудидаги инвестиция лойиҳаларининг объектлари фойдаланишга топширилгунга қадар зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини ҳамда мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, уларга талаб этиладиган ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш;

иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари А.М.Бобоевга – Манзилли дастурда белгиланган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ажратилиши устидан назорат қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар чоракда Ёшлар саноат зоналарини ташкил қилиш ҳамда Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича амалга оширилган ишларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида танқидий муҳокама қилсин ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чораларни кўрсин.

17. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б.Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

**Тошкент шаҳри,
2021 йил 21 апрель**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

6. **Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўчқоров** ва **Ш.Ғаниев** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 15 майга қадар қишлоқ хўжалиги ерларини хатловдан ўтказган ҳолда саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун ажратиладиган унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерлари рўйхатини шакллантирсин ҳамда уларнинг аниқ чегараси ва майдонини кўрсатган ҳолда ҳар бир туман кесимида тасдиқланишини таъминласин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд шаҳарлари, Ургут ва Ғиждувон туманларида замонавий **савдо ва саноат ҳудудларини** ташкил этиш, уларда савдо-ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва сотиш учун инфратузилма мавжуд бўлган **камида 20 гектар** майдондан ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига аукцион орқали (шу жумладан, тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ҳамда аукционни ягона иштирокчи билан ўтказишга рухсат берган ҳолда) ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Бунда, савдо ва саноат ҳудудларини ташкил этишнинг асосий шарти биноларнинг биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, юқори қаватларида ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2021-2022 йиллар давомида камида **500 та** маҳалла фуқаро йиғинларининг эски биноларини давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда қайта қуриш бўйича тадбиркорлик субъектлари билан келишувга эришилишини таъминласин.

Бунда, 1 қаватли бино ўрнига 2-3 қаватли бино қурилиши, унинг 2 ва 3-қаватларида кичик ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, ишсиз хотин-қизлар ва ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш марказларини ташкил қилиш учун текин фойдаланиш асосида 30 йилга тадбиркорлик субъектининг ихтиёрида қолдирилишини назарда тутсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 июндан бошлаб**:

уч йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатаётган ҳамда ҳисобланган солиқларни муддатида тўлаб келган, лекин молиявий аҳволига кўра солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига **солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш**;

уч йилдан ортиқ вақтдан буён товарларни импорт қилиш билан шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳволига кўра тўловларни белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига **божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи** берилади.

Бунда, ушбу тартиб бўйича **гаровсиз** бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ ёки тўловлар суммаси тадбиркорлик субъекти томонидан охирги уч йил давомида тўланган солиқ ёки божхона тўловлари суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур банддан келиб чиққан ҳолда солиқлар ҳамда божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашнинг вақтинчалик тартибини тасдиқласин.

10. **2021 йил 1 майдан бошлаб** чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган **экспорт қилувчилар** ва "эркин муомалага чиқариш" божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган **импорт қилувчилар** учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари **икки бараварга камайтирилсин**.

2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилсин ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисоблансин.

11. Белгилансинки, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб **ижро ишини юритиш доирасида** қарздордан ундирилган **пул суммалари** ижро ҳужжатлари бўйича барча талабларни қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда, **бюджетга тўловлар бўйича талаблар**, кредиторларнинг қарздор мол-мулки билан таъминланмаган талаблари, шу жумладан, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма етарли бўлмаганлиги туфайли қаноатлантирилмаган талаблари **бир навбатда (тўртинчи навбатда) қаноатлантирилади**.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Вазирлар Маҳкамаси ва манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартиришларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи фаолиятини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Инвесторга ер участкасини дастлабки захиралаш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинмаган инвестиция лойиҳалари бўйича Ишчи гуруҳ қарорлари бекор қилинсин.

13. Қурилиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари қўмитаси **уч ой муддатда** транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув объектлари, гидротехника иншоотлари, магистрал қувурлар, электр тармоқлари объектларининг муҳофаза зонаси чегараларини белгилаш параметрларини уларнинг мақбуллаштирилишини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Кадастр агентлиги **2021 йил 1 сентябрга қадар** жисмоний ва юридик шахсларга "YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизимига ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотларни кейинчалик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун жойлаштириш бўйича таклифларни киритиш, шунингдек, ер участкасини танлаш материалларини келишиш жараёнини кузатиш имконини берувчи **мобиль илова ишга туширилишини таъминласин**.

15. Қурилиш вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** кўп қаватли уйларнинг ертўлаларидан тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш, турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

**икки ой муддатда** енгил конструкцияли хизмат кўрсатиш шохобчаларини аукцион савдолари орқали жойлаштириш тартибини жорий этиш;

**бир ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини **самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар** этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров, С.Ў.Умурзаков ва Ш.М.Ғаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

**Тошкент шаҳри,
2021 йил 21 апрель**

# Гапни гапир уққанга

## ЁХУД СУВ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР УЧУН КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ НЕГА ПАЙСАЛГА СОЛИНАЯПТИ?

**(Боши 1-саҳифада)**

"Fergana oseana textile" пахта-тўқимачилик кластери бир неча йилдан бери Фарғона туманида фаолият юритади. У бу йил Туркия технологияси асосида чигит экди. Яъни чигит қадаладиган қўш қатор ораларига томчилатиб суғориш жорий қилиниб, сўнг устидан плёнка тортилди. Ҳаммаси ҳисоб-китобга асосланган, кўзда тутилган ишлар самараси олдиндан кўриниб тураркан. Ҳатто минерал ўғитлар ҳам, гербицидлар ҳам шу ингичка елим қувурлар орқали юборилади. Иқтисодий самарасининг бир томони ишчи кучи тежалишига, сув тежалишига, чопиқ ва механизация харажати тежалишига бориб тақалаяпти. Тежалган вақт, ишчи кучи бекор кетмаяпти. Бир қарич ҳам ерни бўш қўймаслик учун зовур ва ариқ қирғоқларигача фойдали экин экилмоқда.

Сув тежовчи технологиялар жорий қилинган 849 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан камида 45 центнердан ҳосил етиштириш режалаштирилган. Бу қуруқ гап бўлмаслиги учун ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида ўтказиш лозим бўлади. Бош ҳосилот Хуршидбек Турсунбеков билим ва тажрибаларини ишга солаяпти. Экишда шошма-шошарликка йўл қўйилаётгани йўқ. Туркия технолгияси билан ишловчи 5 та махсус чигит экиш сеялкалари унумли ишлатилди. Чигит доналаб экилди ва гектарига 200 минг тупдан ғўза ниҳоллари униб чиқиши кафолатланди. Бу ҳосилнинг эртапишар бўлишига, тола сифати, ҳосилнинг кўтарилишига ҳам ишора экан.

Бу йил пахтачиликда 18 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси қўлланилади. Лекин 18 апрель ҳолати бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 14815 гектар ерда бу технологияларни ўрнатиш молиялаштирилди. Бағдод, Риштон, Ёзёвон, Қува, Олтиариқ, Учкўприк, Фарғона, Тошлоқ каби туманларда бу борадаги ишлар дуруст бораётган бўлса, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ўзбекистон туманларида сусткашликка йўл қўйилаётгани кишини ранжитади. Пахта кластерлари фермерларни қўллаб-қувватлашга бурчли эканлиги қабул қилинган ҳужжатларда қайта-қайта таъкидланган. Бироқ, баъзи кластерлар шуни унутишган кўринади.

Фурқат тумани пахта кластери 3 та қурилиш фирмасига кафиллик хати беришни пайсалга солаётгани туфайли улар ишни бошлай олмай турибди. Қува туманида 10 миллиард, Ёзёвон туманида 15 миллиард, Тошлоқ туманида 11 миллиард сўм маблағ пахта кластерларининг масъулиятсизлиги оқибатида ҳаракатсиз турибди.

– Тошлоқ туманида сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича кредит олиш учун банкка топширилган 59 та ҳужжатдан 18 тасига, яъни 285 гектар майдонга ажратиладиган маблағни вилоят Марказий банки тегишли кластернинг кафолат хати бўлишига қарамай, тўлов қобилиятига эга эмас, дея рад жавоби бераётганини қандай тушуниш мумкин, – дейди Тошлоқ тумани ирригация бўлими бошлиғи Алишер Ўтамбоев. – Ушбу фермер хўжаликларида қурувчи ташкилот томонидан 40-50 фоиз иш бажариб қўйилган, 9 та фермер хўжалиги билан кредит шартномаси имзоланмагани учун ишларни бажаришдан бош тортмокда. Яна 2 та фермер хўжалигининг асосий ҳисоб-рақами бошқа банкда бўлганлиги учун ҳужжатлар юритилмаяпти.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.**

22 апрель – Халқаро ер куни

# Она замин ошуфтаси



Сир эмаски, ҳар биримиз эсимизни таниган кундан бошлаб, теварак-атрофга, бизни ўраб турган табиий муҳит, мовий осмон, чарақлаган офтоб, мусаффо обиҳаёт, айниқса, чексиз гўзаллик ва битмас-туганмас бойликлар манбаи бўлган, бизни боқувчи, едирувчи, тўйдирувчи она Ерга ҳайрат кўзлари билан боқамиз. Ушбу беғубор ҳайрат ва ошуфталикни қалбида бир умр эъзозлаб, умрини заминшуносликдек машаққатли ва шарафли касбга бағишлашга эса ҳар ким ҳам жазм этолмайди.

Муҳтарама устоз, зукко олима Лазизахон Ғафурова ана шундай беназир кишилардан, десак муболаға бўлмаса керак?

Лазизахон Ғафурова айни кунларда 2011 йилдан Ўзбекистон Миллий университетининг “Агроэкобиотехнология” илмий маркази рахбари ва тупроқшунослик кафедраси профессори сифатида ана шу соҳада кенг кўламли илмий тадқиқотлар, амалий ҳамда педагогик фаолият кўрсатиб келмоқда.

1982 йилда номзодлик ва 1995 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган Лазизахон Акромовна тупроқлар генезиси, эволюцияси, биологияси, кимёси, экологияси бўйича таниқли олима сифатида ушбу соҳаларда ўз илмий мактабини яратди. Ўтган йиллар мобайнида у 400 дан ортиқ илмий асарлар, шу жумладан 20 та монография, 15 та рисола ва тавсияномалар, 2 та атлас, 10 та дарслик ва ўқув қўлланмалар чиқарди. Лазиза Ғафурова илмий раҳбарлигида 17 та номзодлик ва 4 та докторлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинган. У “Ўзбекистон аграр фани хабарномаси” журнали бош муҳаррири ўринбосари, “Она замин” ҳамда Россия Федерациясида нашр этиладиган тупроқшуносликка оид бир неча журналларнинг таҳририят аъзоси ҳамдир.

Домла янги илмий технологиялар ва замонавий лойиҳалар асосида тупроқлардан самарали фойдаланиш ва мухофаза қилиш, қурғоқчилик ва чўлланишга қарши курашиш, рақамлашган тупроқшунослик ва агрокимё муаммолари, деградацияга учраган тупроқлар унумдорлигини оширишда ресурс тежовчи янги технологияларга оид фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Лазиза Ғафурова Республикада тупроқшунослик бўйича биринчи аёл фан доктори ҳисобланади. У нафақат таниқли олима, тадқиқотчи, педагог, балки Ўзбекистон тупроқшунослик илмини, аграр фани ютуқларини фаол оммалаштирувчи толмас тарғиботчи ва ташкилотчи ҳамдир.

Лазиза Акромовна ёшларни тупроқшуносликнинг назарий асослари ва амалий кўникмаларига ўргатиш, таълим сифатини таъминлаш йўлида кўп билим ва куч сарфламоқда, шогирдлари билан ҳаммуаллифликда илмий мақолалар эълон қилмоқда, унинг раҳбарлигидаги докторантура, магистратура ва бакалавриат талабаларининг илмий ишлари республика ва халқаро танловларда совринли ўринлар олмоқда. Чунончи, Г.Жалилова – Ўзбекистон Президенти стипендиясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тадқиқотчилар танловида энг юксак ўринга лойиқ кўрилди, Е.Аблаева Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди, С.Муродова Республика истеъдодли ёшларининг “Истиқболимиз тимсоллари” анжуманида фан йўналиши бўйича танловда, О.Эргашева ва Д.Маҳкамовалар “Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам” номли кўрикда ғолиб чиқдилар. Д.Эгамбердиева – ЮНЕСКО–Лореаль мукофоти совриндори, Ш.Бегматов Қозон шаҳрида ўтган Халқаро “Science Light” танлови ғолиби бўлишди. Жами 20 дан ортиқ талаба ва ёш олимлар республика илм-фан соҳасидаги турли нуфузли танловларда совринли ўринларга муносиб кўрилдилар.

Домланинг ўзлари ҳам фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига бағишланган республика ҳамда ҳудудий инновацион ярмаркаларда фаол қатнашмоқда, турли тупроқ-иқлим шароитларида жойлашган базавий фермер хўжаликларида илмий-амалий ишлар олиб бормоқда, назария ва амалиётни муҳим аҳамиятга эга бўлган янги маълумотлар, услублар, технологиялар билан бойитаётир, ишлаб чиқариш учун тавсияномалар, хариталар, амалий-услубий қўлланмалар яратаётир.

Илмий-педагогик фаолиятини жамоат ишлари билан фаол қўшиб олиб бораётган жонкуяр устоз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг “биология” фанлари бўйича эксперт кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги эксперт кенгаши, Ўзбекистон Экологик ҳаракати илмий кенгаши, Республика хотин-қизлар “Олима” уюшмаси бошқаруви аъзоси.

Бундан ташқари, у Докучаев номидаги тупроқшунослар жамияти Марказий Кенгашининг, Халқаро тупроқшунослар жамияти, Халқаро аграр соҳаси олимлари уюшмасининг аъзоси ҳамда Халқаро Экология академиясининг академигидир.

Кўп йиллик меҳнати, фан-таълим соҳаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, жамоат ишларидаги фаол иштироки учун 1999 йилда Лазиза Ғафурова “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонига, қатор мукофотларга сазовор бўлган. Шунингдек, у кўплаб нуфузли танловларда ғолиб чиққан, К.Тимирязев номли Халқаро Олтин медалига лойиқ кўрилган.

Ўйлаймизки, Лазиза Акромовна сингари фидойи олимлар меҳнати самараси ўлароқ мамлакатимизда тупроқшунослик фани янада равнақ топади ва она заминимиз маҳсулдорлиги янада ошиб, элимиз фаровонлиги бундан ҳам юксалиб бораверади.

**Олима ЭРГАШЕВА,**
*биология фанлари бўйича фалсафа доктори.*

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

# Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот

Бугун мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, кенг миқиёсда қарор топтириш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги барча тўсиқларни бартараф этиш юзасидан эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.



Ушбу йўналишда Тошкент вилоятида ҳам қатор ибратли ишлар йўлга қўйилмоқда. Тадбиркорлик билан шуғуланиш истагида бўлган фуқароларга ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун зарур шароитларни яратиб бериш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Яқинда ташкил этилган ҳоким ва тадбиркорларнинг очиқ мулоқоти туман ва шаҳарларда фаолият юритаётган ишбилармонларни янада шижоат кўрсатиб ҳаракатланишга ундаган бўлса ажабмас. Вилоят ҳокими Даврон Ҳидоятов тадбиркорликни қўллаб қуватлашга тўғридан тўғри масъул бўлган тузилмалар раҳбарлари иштирокида уч юздан зиёд иштирокчининг сўзларини тинглади.

Мулоқот чоғида кўтарилган барча муаммоларга ечим топилди. Масалан, учрашувда сўз олган бўстонлиқлик тадбиркор Ўктам Мирзаалиев бир неча йилдан буён қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланиб, яхши натижаларга эришиб келаётганлиги, эндиликда ўз бизнесини кенгайтириш ниятида маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш ғояси пайдо бўлганлигини, бунинг учун кўп вақтдан буён 200 гектар ер ололмай сарсон бўлаётганлигини билдирди. Вилоят ҳокими туман экспорт салоҳиятини ривожоантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган бу тадбиркорнинг ўринли мулоҳазаларини диққат билан тинглар экан, бу каби ишбилармонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозимлигига алоҳида тўхталди. Мутасаддиларга Ўктам Мирзаалиев раҳбарлик қилаётган “Агропром” МЧЖга сўралаётган 200 гектар ерни ажратиб бериш топширилди.

– Мен ўн йилдан буён ҳунармандчилик билан шуғулланиб келаман, – деди қибрайлик тадбиркор Шавкат Юсупов. – Бу давр оралиғида ўз севган касбим туфайли эъзоз топдим, бир қатор танловлар ғолиби бўлдим, кўплаб шогирдлар тайёрладим. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида туманимизда ҳунармандлар маркази очишни режалаштиргандик. Бу ерда ёшларга ҳунар ўргатишни илмий асосда ташкил этиб, курсларда ўқитиб, сертификат бериш, уларни иш билан таъминлаш мумкин бўлади. Аммо қурилиш учун ер масаласи муаммо бўлаяпти. Шу масалада ёрдамингиз керак...

Тадбиркорнинг ушбу ташаббуси вилоят ҳокими томонидан маъқулланди. Унга ҳам қурилиш учун ер ажратиладиган бўлди.

Яна бир тадбиркор Азамат Бобомирзаев йирик бир лойиҳага кредит олиш учун тижорат банкларига мурожаат қилгани, лекин унинг масаласи банклар томонидан пайсалга солиб келинаётганлигини айтиб, шу юзасидан ҳокимдан ёрдам сўради. Вилоят ҳокими уни шу ернинг ўзида Марказий банкнинг Тошкент вилояти Бош бошқармаси раҳбари билан таништириб, мутасаддига мазкур масала бўйича ҳокимга ҳисобот беришини тайинлади.

Очиқ мулоқот чоғида вилоят ҳокими қатнашчилар билан ўта самимий, ҳеч қандай расмиятчиликсиз, дўстона суҳбатлашгани тадбиркорларни хурсанд қилди. Шу боис улар ўз мулоҳазаларини эркин баён қилиб, мавжуд муаммоларини бемалол билдирдилар. Тадбир давомида чорвага яйлов ажратиш, фойдаланилмай ётган бино ва иншоатларни нол қийматида бериш, кредит ажратиш ва инвестиция масалалари бўйича фикрлар билдирилди. Барча масалалар ижобий ҳал этилиб, мутасаддиларга берилган топшириқлар вилоят ҳокими томонидан назоратга олинди.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

## У ўтмишимиздан садо бўлиб яшайверади

Ҳамма гап уни тўғри талқин қилишда

# Рамазон мулоҳазалари

*Ассалому алайкум, бизлар келдик,*
*Кўргани, кўришгани салом бердик.*
*Қўш ариқдан ҳаллаган қўйнинг изи,*
*Қўша белбоғ берса берсин, бойнинг қизи.*
*Қўша белбоғ берса берсин, белимизга,*
*Мақтай, мақтай кетайлик биз элимизга.*
*Ё Рамазон, май Рамазон.*

Чиройли сўзлардан таркиб топган бу Рамазон қўшиғини Гулжаҳон Мардонованинг “Ўзбек халқ қўшиқлари” китобида ўқидим.

Барчамизга маълумки, муқаддас Рамазон ойининг учинчи кунидан бошлаб ўғил болалар уйма-уй юриб, рамазон қўшиқларини куйлашади ва эвазига пул ёки ширинлик ҳадя қилишларини кутишади. Хуш, сиз бунга қандай қарайсиз? Ушбу савол билан ён-атрофимдагиларга мурожаат қилар эканман, жавоблар турлима-турли бўлиб, жавоб берувчилар ҳам уч тоифа одамлар бўлди. Яъни, катталар, ёшлар ва болалар. Келинг, уларнинг жавобларини бирма-бир таҳлил қилиб кўрамиз.

“Болаларнинг Рамазон қўшиқларини куйлашлари бу урф-одатимиз ва анъанавий тусга кирган. Ушбу айтимларнинг болаларга фойдаси улар халқ оғзаки ижоди билан яқинроқ танишадилар, бу ижодни ҳис қиладилар. Болалар бундай қўшиқларни тўқиш баробарида ўзлари учун ҳам жуда кўп ўзбекона қадриятларни ҳис этадилар”, дейишди катталар.

Тенгдошларимнинг жавоблари эса бошқачароқ бўлди: болаларни Рамазон айтимлари айтишдан қайтариш керак. Уйма-уй юриб, пул сўраш орқали айни ғайратга тўлган, ҳамма нарсага қизиқадиган ёшдаги бола психологиясида осон пул топиш тушунчалари шаклланади ва бу унинг нуқсонига айланиши мумкин.

Сабоқдош дугоналаримдан бири болалигида Рамазон қўшиқларини айтиб, уйма-уй юрганларини хижолат билан эслашини, бундан уялишини таъкидлаб ўтди.

Бу масалада кичик ёшдаги болаларнинг жавоблари бошқача бўлди: биз етишмовчилик юзасидан Рамазон қўшиқларини айтмаймиз. Ана шу баҳона қўни-қўшнилар, қариндош-уруғларни кўриб чиқамиз. Бунинг нимаси ёмон? Кейин бу болаларнинг бирикишига, аҳил бўлишига ҳисса қўшади.

Жавобларни бир-бир хаёлимдан ўтказарканман, бундай қўшиқларни дунёнинг бошқа халқларидан фарқли равишда фақат бизга тегишлилигини ўйладим. Бувимнинг айтишларича, қадимда одамлар ифторликка егулиги бўлмаганлигидан Рамазон қўшиқлари айтишган ва эҳтиёжларини қондиришган. Бунинг учун эса ҳаракат қилиш, чиройли сўзлар тизилган қўшиқлар яратишга тўғри келган. Демак, меҳнат қилинган. Эҳтимол, ўша даврларда бу кунлик егулик топишдаги энг ақлли йўл бўлгандир. Ҳозирги Рамазон қўшиқларини куйлаётган болалар эса менинг назаримда йўқчилик, етишмовчиликдан бу ишга қўл урмаяптилар. Эҳтимол, бундай айтимлар айтиш Моҳи Рамазон файзу тароватини тарқатишдаги етакчи мақсадлардан биридир.

Шундай хаёллар билан ўқишдан қайтаётсам, бир тўп болалар рўпарамдан чиқди. Қизиқишим кучайиб, уларни саволга тутдим:

Болалар, нима қилаяпсизлар?

Рамазон айтишга чиқдик.

Рамазон нима?

Қўшиқ.

Ана бўлмаса. Демак, муаммо болаларнинг Рамазон қўшиғи айтиши керакми ёки йўқми деган масалани ечишда эмас, уларга Рамазоннинг хислатлари ва бу қўшиқлар яшовчанлигининг сири билан таништиришда экан. Ҳарқалай, қачонлардир халқ бу қўшиқларни тўқиган. У миллий тарихимиз, ўтмишимиздан садо бўлиб яшайверади. Ҳамма гап уни тўғри талқин қила билишда.

**Дилсора АБДУҒАНИЕВА,**
*Тошкент Шарқшунослик университети талабаси.*

Реклама




**“Ипотека-банк” АТИБ** тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг вақтларини тежаш мақсадида **“Лаҳзали”** тўлов тизимидан фойдаланишингизни тавсия этади.

**“Лаҳзали”** тўлов тизими юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида онлайн режимида банклараро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини беради ва **24/7** вақт давомида *(дам олиш ва байрам кунлари ҳам танаффусларсиз)* фаолият кўрсатади.

Банкнинг **“Интернет-банкинг”** тизимидан фойдаланувчи мижозларимиз ушбу хизматдан бемалол фойдаланишлари мумкин.

Хизматлар лицензияланган

www.ipotekabank.uz

“Ўзавтотранс” агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Аббосхонов Муроджон Абдулмажид ўғли номига 2018 йил 24 сентябр куни O‘zR № 006903- рақамли “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш учун берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Чиноз тумани 34-сон умумтаълим мактаби томонидан 2001 йилда Ережепов Чимпулат Исакжановичга берилган O‘R-Э № 0890749 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази жамоаси таниқли олим, қишлоқ хўжалик фанлари доктори **Равшан АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

QISHLOQ HAYOTI

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари),* Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари).*

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-447. 2 724 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti.uz Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.10